

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДАДАМОВ АШОТ ДАНИЛОВИЧ

**ЮЗ ТЕРИСИ ВА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИ
ЎСМАЛАРИНИНГ ЭРТА КОМПЛЕКС
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.21 - Стоматология

14.00.14 - Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) abstract

Дадамов Ашот Данилович

Юз териси ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати

ўсмаларининг эрта комплекс

диагностикаси ва даволаш 3

Дадамов Ашот Данилович

Ранняя комплексная диагностика и лечение

новообразований кожи лица и

слизистой полости рта 28

Dadamov Ashot Danilovich

Early complex diagnostics and treatment tumors

of the skin and the oral mucosa 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 58

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДАДАМОВ АШОТ ДАНИЛОВИЧ

**ЮЗ ТЕРИСИ ВА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИ
ЎСМАЛАРИНИНГ ЭРТА КОМПЛЕКС ДИАГНОСТИКАСИ
ВА ДАВОЛАШ**

14.00.21 - Стоматология

14.00.14 - Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2016.1.DSc/Tib443 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда „ZiyoNet“ ахборот-таълим (www.ziynet.uz) тармоғига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Жилонов Абдубори Астанаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Абдихакимов Абдулла Нусратуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Супиев Турган Курбанович (Қozoғистон)
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Светицкий Павел Викторович (РФ)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Боймурадов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Оғиз туби ва юз-жағ Академияси
(Дрезден, Германия)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг «_____» _____ 2017 й. соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail:tta2005@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _____ да тарқатилди.
(2017 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш. И. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзРФА ва РФА академиги, т.ф.д., профессор

Р. Д. Суннатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т. ф.д., доцент

Х. П. Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда “рак олди” атамаси ҳам амалий, ҳам назарий онкологияда кенг қўлланилишига қармасдан, аммо ўсма тўқимасидаги рак олди ўзгаришлар моҳияти ҳақида бугунги кунгача ягона бир фикр йўқ. Юз-жағ соҳасининг хавфли ўсмалари билан хасталанган беморларнинг 60% дан ортиғи кеч (III-IV) клиник босқичларида ташхисланмоқда. БЖССТ ининг маълумотига кўра, юз-жағ ва бўйин соҳалари ўсмалари барча онкологик касалликларнинг 12% ини ташкил қилиб, ҳар йили дунёда 500 000 дан зиёд янги бош ва бўйин соҳасида хавфли ўсмалар кузатилади, ундан учдан икки қисми ишлаб чиқариш ривожланган мамлакатларда кузатилади. Беморларнинг даволаши инобатга олиб, бу беш йилликда 50% дан ошмайди.

Ўзбекистонда бош бўйин соҳасидаги хавфли ўсмаларнинг сонининг ўсиши алоҳида ўрини эгаллайди, жаррохлик амалиётидан кейинги асоратлар ва касалликнинг қайталаниши ва рецидивлар кузатилмоқда. Ўсмаларни ташхислашда нур даволаш усулларни қўллашга қармасдан касалликнинг бошланғич босқичларида башоратлаш ва верификациялаш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда, бу эса кейинчалик беморларнинг касаллигини эрта ташхислаш ва даволанишини янада такомиллаштириш усулларини зарурлигини кўрсатади. Буни республикада стоматология ва онкология хизматини интеграциялаш ҳисобига аввалда режжалаштирилган оғиз бўшлиғини ўз вақтида санациялаш жағ-юз қисми ва бўйиннинг эпителиал ўсмаларни эрта ташхислаш усулларни такомиллаштириш, даволаш ва эрта ташхислаш профилактикасига қартилган чора-тадбирлар ўтказилди.

Жаҳонда юз терисининг карциномаси ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватларининг онкологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, тиббиётда нур ташхиснинг қўлланилиши, ЎТТ текширувлари, доплерография ва соноэластография, цитоморфологик ва иммуногисто-логик текширувлар, хромоташхислаш усулларни асослаш эътибор қаратилмоқда. Онкологик касалликларнинг ривожланишида, эпителиал тўқималарда вирусли канцерогенларнинг аҳамияти исботланган. Канцерогенезнинг полиэтиологик муаммоларини инобатга олиб, ўсма олди касалликларини ташхислашда шикоятлар ва клиник белгиларга қараб таснифлашларни ишлаб чиқиш. БЖССТ бугунги кунда ўсма касалликларни оғиз бўшлиғи ва юз-жағ соҳасида таснифлаштирилмаганлиги, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида» ги қарори, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866 қарорида аҳолининг

онкологик касалликларни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича халқаро андозалар даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдамга бўлган талаб-эҳтиёжини амалга ошириш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Бош ва бўйин (ББ) ўсмаларини клиникаси, диагностикаси ва даволаш усуллари бўйича илмий-текшириш ишлари йирик халқаро тиббий ва илмий-текширув марказлари: жумладан, Center for research on cancer (Munich, Germany), Munster multidisciplinary cancer Center (Germany), German Cancer Research Center (Heidelberg, Germany), Department of Pathology and Molecular Medicine (Queens's University, Kingston, ON, Canada), Cancer center Anderson (TX, USA), Cancer Institute Dana-Farber (USA) , Sloan-Kettering cancer center (USA), Cancer Institute Gustave Roussy (Paris, France), The national cancer Institute (Milan, Italy), The Royal Marsden (London, England), П. А. Герцен номидаги ИТИ (Москва, Россия), Н.Н.Петров номидаги онкология ИТИ (СПб, Россия), РТФА Н. Н. Блохин номидаги РОИМ (Москва, Россия), Онкология илмий Марказида (Тошкент, Ўзбекистон) ўтказилади.

Саратон касалликлари институти Бетесда (АҚШ) туфайли охириги ўн йилликда эпителиал саратон клиникасида цитологик усуллар – препаратларни нам таёрлаш, уларни Папаниколау усули бўйича бўйлаш, эпителиал хужайраларни хусусиятларини бузулишини эрта босқичда аниқлаш сезиларли ривожланди.

Карциномаларда ўсувчи гемангио- ва лимфангиогенез касаллик клиникаси ва ташхиси билан боғлиқлиги муҳим ўрин тутди. Лимфовеноз анастомозлар ҳосил бўлиши карциноманинг ривожланиши ва ўсишининг томирли сурати билан боғлаш юзасида уринишлар ўтказилмоқда (Folkman D., 2008, Okada Y., 2010, Fink M. et al., 2011). Бизнинг ультратовуш (УТ) тадқиқотлар (УТДГ ва СЭГ) ангиогенезнинг малигнизланиши кучайишига гувоҳлик беради, бироқ ушбу фактларни мукамал тушиниш учун қўшимча морфологик текширувлар талаб этилади.

Беморларни комплексли даволашда жаррохлик ҳаракатлар ўрни кимёвий ва нурли даволашга кўрсатмалар етарли даражада изоҳланмаган.

Охириги йилларда чет эл мамлакатларда оғиз бўшлиғи саратон олди ва саратони эрта ташхислаш мақсадида икки компонентли хемиллюминесцентли нур манбасива ТиБлю метакроматик кўк бўёғи таркибли ВизиЛайт Плюс тест тизими ишлатилади (Садовский В. В., 2012).

Бугунги кунда оғиз бўшлиғининг вирус сабабли саратони аҳолининг ёш гуруҳ вакиллари кўплаб қамраб олганлиги туфайли, стоматологлар онковирусларнинг HPV-16 ва EBV ташувчанлигини аниқлаш мақсадида

лаборатория текширувларни тайинлашни бошлашди (Шилова О. Ю., 2009; Venson E., 2014; Топорков Т. Н., 2015; Mirghani H., 2015).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Канцероген патофизиологик ўзгаришларнинг механизми охиригача очилмаган. Ҳозиргача метастазланишнинг патогенез тасавури мукамал эмас, лимфа тугунлари ва малигнизация ўсимталарда неоангиогенез ўрни, кимёвий-нур терапияси ва комбинацион схемаларда хирургик аралашув ягона эмас.

Б. Л. Бронштейн ва В. Г. Ходжаев (1964) регионар кимётерапия усуллари УЎбекистонда биринчи мартаба таклиф этишган.

Нур терапиясини кенг тарқалганлигига қарамай, ҳозирги кунда юз-жағ соҳасидаги карциномани 60% ўтказиб юборилган босқичида мутахассисга мурожаат қилади. Стоматолог мутахассислигига қарамай онкологик ва диагностик кўникмаларга эга бўлиши, жаррох-стоматолог ва онколог билан бирга ўз вақтида махсус даволашни таъминлаши лозим.

Адабиёт бўйича Arg72Pro маркер TP53 геннинг ҳар хил жойлашувдаги карциномани ассоциатив боғлиқлигини кўрсатади. Кодланган геном оқсили хужайра циклини бошқаради, ДНК репарациясини чақиради ва уни кодлайди (Yamazaki Y. et al., 2008, Денисов Е. В. и др., 2010, Агеева А. М. и др., 2010). Кўпчилик ўзбек миллати авлодларда бош ва бўйин карциномасининг Arg72Pro маркер TP53 генига коррелятив боғлиқликни аниқлаш қизиқиш туғдиради.

Ҳозирги кунда онкологик клиника ва диспансерларнинг реестрида саратон олди ташхиси кузатилмайди. Морфологлар хужайраларда малигнизацияни бошланғич ҳолатда аниқлаш қийинлиги билан тушунтирилади.

Ўзбекистонда охириги йилларда мутахассислар, хусусан, ББ соҳасидаги стоматолог ва онкологлар, интеграцияси бўйича муҳим ишлар амалга оширилди (Азимов М. И., 2014; Жилонов А. А., 2015; Абдихакимов А. Н., 2016). Республика онкология илмий марказининг клиника ва лабораторияларида (Юсупов Б. Ю., 2010; Юсупбеков А. А., 2014; Гильдиева М. С., 2016; Еникеева З. М., 2016; Пулатов Д. А., 2016), республиканинг асосий тиббиёт институтларининг кафедраларида (ТошВМОИ нинг онкология кафедрасида - Гафур-Ахунов М. А., 2010; Мухаммедаминов Ш. К., 2012; Мамадалиева Я. С., 2013), ТТА нинг онкология кафедрасида (Атаханова Н. Э.), ТДСИ нинг юз-жағ хирургия кафедрасида (Абдуллаев Ш. Ю., 2014, Жилонов А. А., 2017) турли локализациялардаги эпителиал ўсмаларни профилактикаси, эрта ташхислаш ва даволаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Жаррохлик стоматологияси ва юз-жағ жаррохлиги» мавзусидаги илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юз-жағ ва оғиз бўшлиғидаги ўсмаларни комплекс ташхислаш, даволаш ва профилактикасини яратиш ва такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юз териси ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида ҳосиланинг ҳосил бўлишида ҳар хил экзоген таъсирларни ўрганиш;

юз териси ва оғиз бўшлиғидаги ҳосилани текшириш асосида цитологик препарат таёрлаш (PhinPrip) методикасини ишлаб чиқиш;

„Bethesda System 2001” классификацияси ва Папаниколау бўялиш усулининг аҳамиятини баҳолаш;

лимфатик тугунларни кимё нур даволашда (КНД) ўсмада даволаш патоморфози, апоптози, хужайранинг пролиферацияси даражасини ўрганиш;

ББ нинг хавфли ўсмалари ва TP53 генининг Arg72Pro полиморф маркери билан ассоциатив боғлиқликни аниқлаш;

малигнизация неоангиогенез билан боғлиқлигини, деформация коэффициентини катталашуви соноэластография ва УТ–доплерография ёрдамида кўрсатишини амалиётга киритиш;

нур терапияси усули: юз-жағ соҳаси карциномасида яқин фокусли рентгенотерапия (ЯФРТ) ва телегамматерапияни (ТГТ) ривожлантириш;

юз териси ва оғиз бўшлиғи хавфсиз, ўсмасимон, рак олди ва карциномасининг ҳолатида клиник баҳо бериш ва оператив ёндашув ;

ҳосилаларда беморларнинг бир марталик нурланишида «нур гормезиси» нинг таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 430 нафар бемор (15 ёшдан 89 ёшгача; 230 эркак ва 200 аёл) ташриф буюрган, улардан юз-жағ соҳасида 240 нафари хавфсиз ва ўсмасимон ҳосилалар (15 ёшдан 40 ёшгача), 190 нафари рак олди ва карциномаси билан касалланган (50 ёшдан 89 ёшгача). Назорат гуруҳига 40 нафар талабалар (22-25 ёш) ва 40 нафар 30 ёшдан ошган мустақил хохловичлардан ташкил топган икки гуруҳ олинди.

Тадқиқотнинг предмети юз-жағ ва бўйин соҳасидаги юмшоқ тўқима ҳосилали беморлар, лимфа тугунлари ва ҳосилаларининг тўқималари, соноэластография маълумотлари, ультратовушли доплерография ва биологик суюқликлар – қон ва сўлак.

Тадқиқот усуллари. Ишда клиник, биокимёвий, цитоморфологик, иммунологик, иммуногистокимёвий, молекуляр-генетик, нурли, статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юз териси ва оғиз бўшлиғининг бошланғич саратонини аниқлаш учун нам ва юпка цитологик препарат (PhinPrep) олиш усули ишлаб чиқилган;

деформация коэффициентининг кўк паттерн томонга ўсишини СЭГ ва УТДГ тасдиқлайди, васкуляризациянинг ўсиши тўқима ва лимфатик тугунларда (ЛТ) беморларда скрининг ва мониторинг ўтказилган;

биринчи мартаба Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотда TP53 генининг Arg72Pro полиморф маркерини ўзбек аҳолисида Arg72Pro гетерозигот доминирлаши аниқланган. Шунга қарамай контрол гуруҳда Arg72Arg генотиби 2,5 баробар кўп учраган;

ўсимтали тўқима ва метастазланган лимфатик тугунларда кимёвий-нур даволашдан сўнг хужайранинг митотик бўлиниши, апоптоз тезлиги ва

даволаш патоморфоз даражасида аниқ ўзгариш бермади; кимёвий-нур терапияси сўлакнинг химоя хусусиятини пасайтиради: лейкоцитлар сонининг камайиши туфайли ривожланувчи ксеростомия ва иммуноглобулинларга олиб келган;

преканцероз ҳосилалар ва оғиз бўшлиғи саратонини Люгол ва толуидин кўк сувли эритмаси ёрдамида эрта хромодиагностика тестлар ишлаб чиқилган, стоматологик амалиётда фойдаланишга таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юз-жағ соҳасидаги эпителиал ҳосилаларда кератоцитлар малигнизациясини бошланғич босқичда ташхислаш учун препаратларни Папаниколау усулида бўяш киритилган;

хромодиагностик тестлар - Шиллер синама ва толуидин кўки эпителиал ҳосилаларни эрта скрининг диагностикаси малигнизацияланган хужайранинг патоморфологиясини кўрсатган;

базал хужайрали саратон билан касалланган беморларда рецидив ривожланишини камайтириш мақсадида яқин фокусли рентген нури оператив аралашувлар биргаликда ўтказилиши тавсия этилган;

ББ соҳасида жойлашган ўсмалар онкологик беморларда стома-титларнинг профилактикаси мақсадида маҳсус кимёвий-нур терапия ўтказилишидан олдин оғиз бўшлиғини санация ўтказиш лозимлиги аниқланган;

радиопротектор таъсирдача канда мойи аппликация учун нурнинг дозаси 18-20 Гр дан ошмаслиги лозимлиги аниқланган;

ишлаб чиқилган алгоритмга кўра, ББ соҳасида юмшоқ тўқималар даҳосила гумон қилинаётган беморларда ультратовушли доплерография ва соноэластография ўтказилиши керак. Ушбу методикалар эрта босқичда ҳосилаларни визуал кўриш (бирламчи ўсма, лимфатик тугунлар), дифференциал ташхислашни ўтказиш имкониятини берган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, молекуляр-генетик, морфологик, цитоморфологик, иммунологик, иммуногистокимёвий, нурли ва статистик усуллар билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, эндометрийда гиперпластик жараёнлар бўлган аёллар бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш ва олдини олишнинг ўзига ҳослигини такомиллаштириш билан изоҳланади. Шунингдек, барча олинган натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига мос келади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Изланишлар натижаси илмий аҳамияти шундаки, Ўзбекистонда биринчи марта ўзбек популяциясида Arg72Pro полиморф маркери TP53 гени генотипини ўрганиш Arg72Pro гетерозигота генотипи ББ карциномасига ассоциатив боғлиқлигини кўрсатди. Бош бўйин карцинома (ББК) билан беморларда, айниқса кимёнув даволаш шароитида, сўлакда цито-кимёвий кўрсаткичларда жиддий ўзгартиришлар аниқланди.

Текширувларнинг амалиётдаги аҳамияти: цитологик препаратларни нам шароитда тайёрлаш ва Папаниколау бўйича бўяш эпителиал хужайраларда

эрта ўзгаришларни дифференциация қилиб беради. Бу усул препарат сифатини ва интерпретациясини хатоликларни камайишига ва эпителиал хужайралардан эрта рак олди ўзгаришларини аниқлашни кўчайтиради.

ББ соҳасидаги юмшоқ тўқима ўсмалари замонавий текшириш УТДГ ва СЭГ ларни УТ-текширув кетма-кетлиги алгоритми ишлаб чиқилди. Бу усул ББ ўсмалари ва лимфа тугунлари (ЛТ) дифференциал ташхислашни эрта босқичларда аниқлаб беради.

Хромодиагностик тестлар оғиз бўшлиғи карциномасини эрта ташхислаш таъминланади. Ишлаб чиқилган диагностик ва даволовчи комплекс касалланиш даражасини камайтириш, тузалаётган беморлар фоизини кўпайтириш ва ҳаёт тарзини яхшилашга қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Юз териси ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати ўсмаларининг эрта комплекс диагностикаси ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

беморларда атипик хужайраларни эрта ташхислаш ва дифференциал солиштириш мақсадида олинган илмий натижалар «Оғиз бўшлиғи органлари, лаблар ва юз териси эпителиал хавфли ўсмалари» услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 15 сентябраги 8Н-д/41-сонли маълумотномаси). Мазкур қўлланма беморларда хавфли ўсмаларни эрта ташхислаш ва эрта даволашни амалга ошириш чора-тадбирларини имконини берган;

юз-жағ соҳасидаги юмшоқ тўқималарнинг ва лимфа тугунларида томирлар кўпайишини эрта ташхислаш мақсадида олинган илмий натижалар «Юз-жағ хирургияси» услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 15 сентябраги 8Н-д/41-сонли маълумотномаси). Мазкур қўлланма беморларда хавфли ўсмаларни эрта ташхислаш тўқималар деформацияси коэффицентини оширишга қаратилган алгоритмлар ишлаб чиқиш имконини берган;

юз териси ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати хавфли ўсма касалликларини сезгирлиги ошириш мақсадида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, «Тошкент стоматология институти клиник шифохонаси», Тошкент вилояти онкология диспансери «Бош ва бўйин» бўлими, Тошкент шаҳар онкология диспансерини нурли бўлими даволаш тиббиёт амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 08 сентябрдаги 8Н-3/13-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши юз-жағ соҳаси хавфли ўсма касалликларни эрта ташхислаш, кичик жаррохлик амалиёти натижасида юз-жағ соҳасида касалликнинг 13-15% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Ушбу диссертация бўйича Ўзбекистон, МДХ ва хорижий давлатларда 50 та мақолалар, тезислар, рационализатор таклифлар ва методик қўлланмалар кўринишида илмий ишлар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тери ва оғиз шиллик қаватини ўсмаларнинг тарқалишининг замонавий тенденциялари”** деб номланган биринчи бобида юз териси ва оғиз шиллик қаватидаги хафвсиз ва ўсмасимон ҳосилаларни, рақ олди ва тери карциномаси этиологияси, клиникаси ва даволашга доир замонавий қарашлар ҳақида фикр юритилган.

Саратонга олиб келувчи никотин, алкоголь, атроф муҳит омиллари ичида одонтоген омил алоҳида ўринга эга бўлиб, рақ олди ва хафвли ўсмаларда етакчи ҳисобланади ва қониқарсиз стоматологик даволаш чоралари ҳамда паст профилактик диспансер тадбирлари бундай касалликка олиб келади.

Адабиётлар таҳлили юз-жағ ўсмаларида ўлим кўрсаткичининг юқорилиги унинг оғиз бўшлиғида жойлашгани, мутахассисга кеч мурожаат қилинган ҳамда кеч ташҳисланганига боғлиқлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **„Тадқиқот материаллари ва уларни ўрганишда қўлланилган усуллар тавсифи“** деб номланган иккинчи боби мавжуд текширувва усуллар таҳлиliga бағишланган. Бунда клиник текширув усули, функционал-лаборатор, молекуляр-генетик, нур ташҳиси натижалари келтирилган.

Ишда қўйилган масалаларни ечиш учун, қуйидаги усуллар қўлланилди: цитологик – Романовский-Гимза ва Папаниколау усули билан бўяш, гистологик – гематоксилин ва эозин билан бўяб биопсия ва жарроҳлик материали ўрганилди, иммуно-гистокимёвий (Райхлин Н. Т., Петров С. В., 2004), лимфа тугунлари патологиясининг морфологик диагностикаси (Wraith D. et al., 2008); апоптоз индекси аниқлаш (Лушников Е. Ф., 2001), митотик индекси аниқлаш (Сычева Л. П. 2007); даволовчи патоморфоз даражасини аниқлаш (Лушников Е. Ф., 2001, Miller I. D. et al. 2002); Ясиновский М. А. усули бўйича сўлак лейкоцитлари ва эпителиал хужайраларини ажратиш (1967); сўлакда G, M, A иммуноглобулинларни ажратиш (Manchini G. et al., 1965), сўлакнинг кислота кўрсаткичи - НПО “Биохимреактив” (РФ) индикатор тасмалари ёрдамида аниқланган; КТ- МРТ-томография (Siemens, BRD); УТД - В-режим, доплерография (ЦДК, ЭДК), соноэластография (СЭГ), частотасининг кўрсаткичи 5-13 мГц (L74M, Hitachi), эластография дастури ўрнатилган HI Vision Prairies (Hitachi Medical Corporation) аппаратида; TP53 ген Arg72Pro маркерини полимераза-занжирли реакция (ПЗР) орқали

молекуляр-генетик генотиплаш: қондан ДНКни «Diatom DNA Prep 200» тўплами орқали ажратиб олиш, полимоф қисмининг амплификацияси учун – ПЗР, «Gene Test», РФ.


Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш ўртача арифметик (M), ўртача арифметик ҳатоларни (m) ҳисобга олган ҳолда вариацион таҳлил усули орқали олиб борилди. Маълумотлар MS Excel 2007, Statistica 6,0 (Statsoft) стандарт дастурий пакетлари ёрдамида қайта ишланган. Гуруҳларда Arg72Pro ген TP53 локусидаги аллел ва генотиплар учраш даражасининг фарқлар ахамияти χ^2 критерияси ёки Фишер критерияси билан аниқланган. $P < 0,05$ даги фарқлар ишончли деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «Юз тери ва оғиз шиллик қаватини хавфсиз ўсмалари бўлган беморларга ташхислаш ва даволаш» деб номланган учинчи бобида клиника, таҳлил ва юз-жағ қисми ва бўйинда хавфсиз ўсмалар ва ўсмасимон хосилаларни даволаш билан боғлиқ бўлган саволлар кўриб чиқилган.

Юз териси тузилишининг хусусиятлари, айнан: сочнинг мавжудлиги, ёғ ва тер безларини кўп миқдордалиги, физик таъсирлардан химояланмаганлиги – тананинг бошқа қисмларига қараганда уни заифлаштиради.

2006-2010 йиллар давомида беморлар юз-жағ қисмининг хавфсиз ўсимта ва ўсимтасимон хосилаларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларнинг ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики, юмшоқ тўқималар ўсимтаси энг кўп учраган (38%) ҳамда улар, асосан, орттириб олинган ёки туғма фиброма, липома, гемангиомалар бўлган (1-расм).

Ушбу гуруҳ ўсимталари учун жарроҳлик аралашуви ўраб турадиган тўқималарнинг хосилаларини аниқлаш ва олиб ташлашга қаратилади. Кескин жарроҳлик ёндашувлари имкониятларининг чекланганлиги туфайли келиб чиққан айрим қийинчиликлар юз-жағ қисмида гемангиома ҳосил бўлишига олиб келган.



1-расм. Юз-жағ соҳаларида хавфсиз ўсмалари ва ўсмасимон ҳосилаларнинг учраши

Қоидага кўра, ББ соҳасидаги туғма киста ва ўсма беморлар умумий сонининг 29% ини ташкил қилди. Атеромани олиб ташлаш поликлиника шароитларида олиб борилган. Дермоид кисталар туғма бўлгани учун жарроҳлик амалиёти цистэктомия типи бўйича касалхона шароитида ўтказилади.


Сўлак безлари ўсимталари ва кисталари беморлар умумий сонининг 25,0% ини ташкил қилди. Унинг энг кўп учрайдиган соҳаси – кулоқ олди беши, қаттиқ танглай, юмшоқ ва қаттиқ танглай чегарасидир. Қаттиқ танглайда жойлашишида кеч мурожат қилинганда танглай суяги перфорацияси оқибатида бурун қўшимча бўшлиқларининг жараёнга қўшилиш холатлари кузатилган.

Ўсимтасимон хосилалар гуруҳи эса 8% ташкил этди. Клиник кузатишлар шуни кўрсатдики, ўсимтасимон хосилалар устида жарроҳлик амалиёти олиб борилганда рецидивлар сони ва малигнизация эҳтимоли сезиларли ошиб боради. Эпулис (эпулидлар), милк фиброматози, нейрофиброматоз ушбу гуруҳ аъзолари ҳисобланади.

Стоматология клиникасида биопсия беморлар умумий сонининг 2,4% ини ташкил қилди. Клиник текширувлар натижаси симптомларнинг хавфсиз ўсимтага ўхшамаган вазиятларида беморлар маслаҳат ва даволаш учун онкология касалхоналарига юборилган.


СЭГ, УЗДГ (ЦДК, ЭДК) услубларини қўллаш изланишнинг тахлилий ахамиятини сезилари даражада ошириши аниқланган, бу ўз навбатида, олдин аниқ бўлмаган тузилмаларни визуаллаштиришга ёрдам берган. Буни қўйидагича кўрсатиш мумкин: дермоид киста икки қоринли ва жағ-тилости мушаклар худудида ўрта чизик бўйлаб жойлашади, текис контурли овал шаклга ҳамда аниқ ривожланган капсулага эга бўлади. Хосиланинг таркиби гипоехоген, диспердан иборат, периферия бўйлаб васкуляризациянинг кучайиш аломатлари йўқ. СЭГ да кўрсатгич қисмларига яшил ва қизил рангнинг тақсимланиши орқали учрангли паттерн билан бўйлиши ҳосила таркибининг қуюқлигидан далолатдир (2-расм).

Полиморф аденома – сўлак безларининг тез-тез пайдо бўладиган хосилалардан биридир. Ўсимтанинг СЭГси эгилувчанликдаги соҳада бўлиши мумкин, яъни яшил-қизилдан турғун кўкча: бўйлиш турига (хосиланинг ўсиш характерига) кўра, кенг чегараларда тебраниши мумкин мувофиқ КД (SR) кенг чегараларда тебраниши мумкин (нормал тўқимага тегишли бўлган 1-2 бирликдан, то 30-40 ва ундан ортиқ бирликкача).




2-расм. Даҳан ости соҳасининг дермоид кистаси соноэластограммаси

УТДГни афзалликлари ўсимтанинг микротомир ўрам ўзгаришларининг характерини кўрсатиш имкониятини бера олишида намоён бўлади. Изла-нишлар шуни кўрсатадики, агар кисталар ва хавфсиз хосилалар томирли расмни ўзгартирмаса, унда неангиогенезнинг кучайиши малигнизацияни англатади. Шу тарзда эхограммада метастазга учраган лимфатугунининг (ЛТ) марказий қисмида томирли расмнинг кучайиши кузатилади (3-расм).



3-расм. Оғиз бўшлиғи тубининг саратонида чап жағ ости ЛТ нинг УТДГси. Пўстлоқ қават ва марказий эхокомплекснинг дифференциацияси кузатилмайди. Марказий қисмларда қон оқиши тезлашган

ЛТ нинг дифференциал тахлилида СЭГ нинг юқори маълумотлиги кўрсатилган, бу деформация коэффициэнти (SR) ортишида намоён бўлади, шунингдек малигнизация даражасига нисбатан тўқималарнинг рангли бўялиш спектри ўзгариши (4-расм).



4-расм. Оғиз бўшлиғи тубининг саратонида чап жағ ости ЛТ нинг СЭГ си. Марказий қисмлар яшил паттерн билан бўялган (SR=2,17), периферик қисмлар кўк ранг устиворлиги билан (SR=35,66).


ЛТ нинг УТДГ текшируви беморнинг ББ қисмида бирламчи ўсимта клиник аниқланмаганда юқори клиник қизиқиш уйғотади. ББ қисмидаги лимфаденит ташхиси, одатда, жараён ва даволаш манипуляцияларининг ноаниқ-

лиги билан қўшилиб кетади. Бунда эрта УТДГ ўсимтасимон ва метастаз ЛТларни унинг бошқа турларидан фарқлаш имконини беради.

Кузатишларнинг кўрсатишича, ЛТ нинг эрта метастазга учраши карциноманинг қаерда жойлашишидан қатъий назар, беморнинг ҳолатини кескин оғирлаштиради, олиб борилаётган даволаш муолажаларининг самарадорлигини пасайтиради.

Ўтказилган текширувларга асосланиб, юз-жағ соҳаси ва бўйинда юмшоқ тўқима хосилалари мавжуд беморларни умумий даволаш тизими, вилоят ва шаҳар диагностика марказлари, шунингдек махсус онкологик касалхоналарда ултратовушли текширишнинг босқичма босқич ташхислаш алгоритми таклиф этилади. Аниқлаштирувчи босқичда таклиф этиладиган доплерография (ЦДК ва ЭДК) СЭГ билан биргаликда қўллаш хосилалар ва жараёнга киритилган ЛТ ларининг ўсиш характери тўғрисидаги масалага жавобан дифференциал ташхислаш ўтказиш имконини беради. Хавфсиз ўсимталарнинг СЭГ даги деформация коэффициенти ДК (SR) 2,0 бирлигидан ошмаган, ўтувчи тўқималар учун – 2,0 дан 8,0 гача ораликда жойлашган, ДК (SR) 8,0 бирлигидан юқори бўлганда – хавфли ўсиш характерига эга бўлади (5-расм).


Диссертациянинг «**Оғиз бўшлиғи саратон олди ва саратон жароҳатларининг хавф омиллари ва уларни эрта ташхислаш**» деб номланган. Кузатишларнинг кўрсатишича, оғиз бўшлиғи хавфли ўсмалари ривожланишида агрессив омиллар, уларнинг эпителиал тўқималар билан узок муддатли алоқада бўлиши ва ҳимоя тўсиғининг бузилиши муҳимдир.




5-расм. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималаридаги ўсмаларни этапли ультратовуш диагностикаси алгоритми

Оғиз бўшлиғи карциномаларини кузатганимизда, беморнинг жинсидан қатъи назар 70-85% ҳолатда чекиш, спиртли ичимлик, истеъмол қилиш ва сифатсиз стоматологик даволаш билан боғлиқлиги маълум бўлди, фақат 15-30% ҳолатда жароҳатланиш ва носвой чекиш туфайли келиб чиқиши аниқланди (6-расм).

Эркаклар ва аёллар касалланиш сонининг кескин кўтарилиши 40-70 ёш оралиғида кузатилади. Беморлар сонининг 70 ёшдан кейин пасайиши катта ёшдаги аҳоли гуруҳларининг мурожаатлари сонининг камлиги билан изоҳланади. Шубҳасиз, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг бир қатор омиллар туфайли кўшма таъсирланиши карциноманинг кўпайиш эҳтимолини оширади. Кузатувларимизнинг исботи сифатида, юқорида санаб ўтилган омиллар оғиз бўшлиғи канцеризацияси ва охир-оқибат хужайраларнинг назоратсиз пролиферациясида етакчи ҳисобланади (7-расм).



6-расм. Оғиз бўшлиғи карциномаси ривожланишига ёрдам берувчи омиллар



7-расм. Оғиз бўшлиғи карциномасини ёшга ва жинсга кўра учраш даражаси

Маълумки, ҳозирги кунда онкологик касалликларни кимёвий-нурли даволаш, биринчи навбатда, оғиз бўшлиғида кўзатиладиган бир қатор ножужа таъсирларни келтириб чиқаради. Негаки кимёвий-нур терапияси оғиз бўшлиғида қуйидаги клиник ўзгаришлар, кўпинча: оғриқ, шиллиқ қавати ва юмшоқ тўқималарнинг шишиши ҳамда оғиз бўшлиғи органларининг вазифалари бузилиши юз беради. Бундай ўзгаришлар ББ соҳасидаги ўсма касалликлари КНТ да яққол ривожланган. Шу билан бир қаторда КНТ да бошқа соҳадаги ўсмалар, стоматитлар етарлича учрайди. Фақат беморлар кўп



холларда оғиз шиллик қаватининг ўзгаришлари фонида юз берган тиш оғригидан шикоят қилмайдилар.

Кўп йиллик стационар шароитдаги кузатишлар шуни кўрсатадики, онкологик касали бор беморларни шифохонага ётқизиш вақтида оғиз бўшлиғи санацияси паст даражада бўлган. Таъкидлаш лозимки, қониқарсиз санация шароитида ўтказилган нурли даволаш амалиётида унинг асоратлари ривожланиб кетади, шунинг учун ўсма касалликларни даволашда, айниқса, ББ соҳаси ўсмаларида жиддий оғиз бўшлиғи санацияси ўтказиш керак. Бундай ҳолатда хирургик санация мақсадга мувофиқ бўлиб, периапикал тўқималар деструкция ҳудудидаги тишлар консерватив даволанганда нурли даволашдан кейинги асоратлар, аниқроғи нурдан кейинги остеомиелит ўчоғи бўлиши мумкин.

Биз цитологик препаратларни бўяш усулини танлаш мақсадида бир қанча текширувлар ўтказдик ва бунда материални Романовский-Гимза ҳамда Папаниколау усулида бўяш натижаларни таққосладик. Текширувларимиз эрта ташхислашда иккинчи усулда бўяшнинг баъзи афзалликларга эга эканлигини кўрсатди. Хужайраларда энг кўп учрайдиган кескин ўзгаришлардан бири дискератоз ҳисобланади. Бу жараён сурункали яллиғланиш натижасида келиб чиқиб, саратондан олдинги ҳолатга ҳамроҳлик қилиши ва хужайралар малигнизациясига олиб келиши мумкин. Дискератоз кўринишларидан бири гиперкератоз бўлиб, у цитологик текширув вақтида сиртки хужайралардек ядросизлиги кўринади, лекин цитоплазмасида кўп кератин сақлаганлиги туфайли. Папаниколау усулида бўялганда оч апелсин рангга киради (8-а-расм). Паракератозни Романовский-Гимза усулида бўялганда аниқлаш қийин, чунки препарат тўлиқ бирхил рангга киради ва ядронинг йўқлиги осон ўтказиб юборилиши мумкин. (8-б-расм).

а)

б)



8- расм. Оғиз шиллик қавати гиперкератознинг ҳосил бўлиши:


а) суртмада юза эпителийнинг катта кўп бурчакли хужайралари (1), цитоплазма кератин микдорига қараб ҳар хил пушти рангга бўялган, ядро эса нуқтасимон; улар орасида ёрқин апелсин рангли цитоплазмаси ядросиз йирик кўпбурчак хужайралар бор (2).

Хулоса: хужайрадаги реактив ўзгаришлар гиперкератоз учун ҳарактерли (Папаниколау бўйича бўялган, х200).

б) суртмада йирик силлик эпителий хужайралари (1), катта полигонал хужайралар кўп цитоплазма ва пикнотик ядролар билан, айримларида ядро учрамайди (2).

Хулоса: хужайрадаги реактив ўзгаришлар гиперкератозга ҳарактерли (Романовский-Гимза усулида бўялган, х200).

Бошқа ҳолат учун паракератоз цитоплазмаси зич, апельсин рангли майда хужайралар характерли бўлади. Одатда, паракератозда хужайра ядросининг майда ва аниқ контурли бўлиши характерли хусусиятдир. Типик бўлмаган ҳолларда эса гипертрофиялашган ва нотекис шаклда бўлади (9-а расм). Паракератоз, кўпинча ўсма жараёнининг бир маркери сифатида хизмат қилади, шу боис унинг аниқланиши дарҳол ўсма олди жараёнини истисно қилиш зарурлигини билдиради. Қолаверса паракератоз хужайралари Романовский-Гимза усули билан бўялганда қийин ажратилади (9-б- расм.).



9-расм. Оғиз шиллиқ қавати паракератознинг белгилари:

а) нейтрофил лейкоцитлар фонига суртма (3) юза эпителий хужайралари (1)тўқ пушти цитоплазма ва пикнотик ядроли катта кўпбурчак хужайралар, оралиқ эпителий хужайралари (2). Тўлиқ оч-яшил цитоплазма ва препикнотик ядроли катта кўпбурчакли хужайралар. Тўқ апельсин рангидаги цитоплазма ва кичик ядроли майда хужайралар (4)-типик паракератоз, шунингдек гипертрофиялашган нотўғри шаклдаги ядроларга эга (5) – атипик паракератоз.

Хулоса: атипик паракератозни яллиғланган хужайраларнинг реактив ўзгариш фонига силлиқ хужайраларнинг зарарланиши юқори даражада инкор қилиш имкониятини беради (Папаниколау бўйича бўяш, х200),

б) Суртмада етилган силлиқ эпителий хужайралари (6) кўрув майдонида нейтрофил лейкоцитлар ҳисобига бу хужайраларни дифференцировка қилишнинг имкони йўқ (3);


Хулоса: хужайраларнинг яллиғланишидаги реактив ўзгаришлари (Романовский-Гимза бўйича бўяш, х200,).

Шундай қилиб, юз териси ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ҳосилаларини цитологик текширувида усулларнинг таққосланиши шуни кўрсатдики, Папаниколау усули касаллик ҳақида кўпроқ маълумот беради: айниқса жараённинг эрта босқичларида (ўсма олди ҳолатлари), хужайра қисмларининг рангли фарқланишига хизмат қилади ва бу цитолог ишини енгиллаштиради ҳамда мазкур бўяш усулининг кундалик фойдаланиш учун тавсия қилинишига сабаб бўлади (Дадамов А. Д., Иванова Н. Б. Рационализаторлик таклифи № 581, 14.06.2010 й.).

Диссертациянинг бешинчи боби «**Юз териси ва оғиз шиллиқ қавати-нинг карциномаларнинг ташхислаш ва даволаш**»деб номланган. Унда 2006-2015 йилларда ББ соҳаси ёмон сифатли ўсма касалликлари билан мурожаат қилган беморларнинг ретроспектив таҳлили ўсиш тенденциясига эгаллиги аниқланди (10-расм).

Тез таъсирланадиган соҳаларга пастки лаб, тил, оғиз бўшлиғи туби, лунж ва ретромоляр соҳа шиллик қавати, юмшоқ ҳамда қаттиқ танглай киради.

1 чи жадвалга эътибор берадиган бўлсак, оғиз бўшлиғи ва юз териси карциномаси билан оғриган беморлар умумий сонининг 60% дан кўпроғи касалликнинг III ва IV босқичида мурожаат қилган; I ва II босқичларда мос равишда 7,4% ва 31,7% ташкил этган. Тери ўсмаси билан оғриган беморлар нисбатан барвақт, яъни 60% дан кўпроқ бемор касалликнинг I ва II босқичида мутахассисга мурожаат қилган (1-жадвал).



10-расм. Бош ва бўйин карциномали беморлар сонини ошиши

1-жадвал

Госпитализация вақтида беморларда карцинома даражаси (TNM бўйича)

Жойлашуви	Беморлар сони	I даража		II даража		III даража		IV даража	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Оғиз ютқин	61	0	0	20	32,8	29	47,5	12	19,7
Пастки лаб	35	7	20,0	15	42,9	7	20,0	6	17,1
Оғиз бўшлиғи	155	6	3,9	25	16,1	99	63,9	25	16,1
Юз териси	140	16	11,4	24	17,1	40	28,6	20	14,3
Умумий:	391	29	7,4	124	31,7	175	44,8	63	16,1

Ўсма хужайрали биопсия орқали олингандаги морфологик текширилганда хужайра тузулмаларининг камайгани, строма шаклнинг бузилгани ва катта қисмининг ёғ тўқималари билан алмашгани, мушак ва коллаген толалар ассоцирланиши бузилгани кўринади, хужайраларнинг юқори полиморфизми, ядроларнинг ҳар хил шакл ва ўлчамда эканлиги кузатилади. Биопсия материалининг митотик индекси (МИ) 0,2% ва 2,8% оралиғида ($0,91 \pm 0,39$). Апоптотик индекси (АИ) 2,0% дан 6,3% гача ($4,62 \pm 0,53$). 80% митоз хромосомалар ортда қолиши, кубкутбли метафаза, хромосомалар тарқоқлиги, К-митоз каби патологиялар кўринишида. Мушак қавати шиши, некротик эле-

ментли лимфоид инфильтрация, хужайра полиморфизми ва кўп ядролилик кузатилади.

Кимёвий-нур терапиясидан кейинги тўқима операцион намунаси морфологик текшируви кўрсаткичлари биопсион намунадан олинган натижалардан фарқ қилмайди. Ҳуллас, МИ ($0,63 \pm 0,21\%$, $P > 0,05$) ташкил этди ва АИ сезиларли ўзгармади ($4,07 \pm 1,16\%$, $P > 0,05$). Бунда "Саратон марварид" ва лимфоид инфильтрацияси кўплиги аниқланди. Кучсиз даволашдан кейинги патоморфоз кам кўрсаткичли ($< 30\%$) ўсма хужайраларини камайиши кўринишида бўлди. Баъзи кесманнинг алоҳида бўлақларида нисбатан юқори – 2-3 даражадаги даводан кейинги патоморфоз аниқланди (2-жадвал).

Бир қатор гистологик ва цитологик текширувлар ўтказилганда лимфа тугунларидаги нормал ва ўсма хужайралар юқори ўхшашлиги кузатилди. Текширув материали бўлиб, одатда, жарроҳлик амалиёти вақтида олинган лимфа тугунлари хизмат қилди. Лимфа тугунлар ноаниқ фолликуляр шароитида интенсив цитализ билан гиперплазирлашган герминогенлашган марказлар фарқланади, ҳосила марказлари тўлиқ ёки қисман инволюция аниқланди.

КТ ва НТ лимфа тугунларида лимфоцитларни камайиши, кичик лимфоцитларнинг кўпайиши ва бласт хужайраларининг камайиши, қон томир ва синус билан қопланган ЛТ да нуқтали қон қуйилишлар кузатилади.

2-жадвал

Оғиз бўшлиғи саратон тўқиманинг кимёнув терапиядан сўнг митоз индекси (МИ), апоптоз индекси (АИ), тиббий патоморфози (ТП) ($n = 10$)

Тўқима	МИ (%)	АИ (%)	ТП(%)
Ўсма (даволашдан олдин)	$0,91 \pm 0,39$	$4,62 \pm 0,53$	-
Ўсма (КНТ-дан сўнг)	$0,63 \pm 0,21$ $P > 0,05$	$4,07 \pm 1,16$ $P > 0,05$	< 30
ЛТ (даволашдан олдин)	$0,30 \pm 0,06$	$2,83 \pm 0,82$	-
ЛТ (КНТ-дан сўнг)	$0,43 \pm 0,08$ $P > 0,05$	$3,80 \pm 0,83$ $P > 0,05$	< 30

Кўрсаткичларнинг ишончсиз ўзгаришлари МИ – 0,2% - 0,5%, АИ 2.2% ва 5,1%. ХТ ўтказилгандан сўнг ЛТ да ўсмаларнинг бир жойдан иккинчи жойга ўтиб кўпайиши даволаш чораларининг паст самарали эканини кўрсатади.


Юқорида айтилганларга асосланиб, юз-жағ соҳаси карциномаси билан оғриган беморлар сўлак таркибидаги ўзгарган хужайраларни кўрсатиш мақсад қилиб қўйилди: а) даволашдан олдин ва б) КНТ давомида (4 курсдан кам бўлмаган КТ ва 30 Гр НТ; n гуруҳларга мос 16 ва 20).

Беморлар TNM тизимида асосан касалликнинг II ва III босқичида эди. Жарроҳлик амалиётидан олдин ўсимта маҳаллий жойлашишига қараб КТ ёки НТ қабул қилди. КТ курси биттадан анъанавий схема (АЦОП) буйича кам

таъсирли дозадаги препаратлар: адриабластин – 50 мг (1-кун), циклофосфан 1000 мг, онковир (винкристин) 2-3 мг 1-кунида, преднизалон - 80 мг 1-5 кун. Беморлар ўртача неоадювант режимида 4-6 курс НТ қабул қилди. НТ "Рокус-М" аппарати ёрдамида ижро 50-60 Гр нурли юкламада ўтказилди.

Клиник кузатувлар юз-жағ соҳасидаги ҳимоя механизмлар маълум бир ёшга боғлиқ эканлигини кўрсатди. Юқори даражадаги ҳавфлилиқ даражаси катта ёшдаги гуруҳлар ҳисобланади, чунки шиллиқ қавати адаптив ҳимоя механизмлари (хужайра ва гуморал омиллар) камайиши ҳисобланади. Оғиз бўшлиғи ва томоқнинг сурункали яллиғланиш жараёнлари кейинчалик ўсма ва ўсмаолди касалликлари ривожланиши шароитида қаралди. Юз-жағ соҳасидаги ўсма ва яллиғланиш касалликларнинг даражаси таққосланганда, 50-60 ёшдаги беморлар орасида яллиғланиш жараёнларни кескин тушиб кетгани, ўсмаолди ва ўсма касалликлари эса сезиларли даражада кўтарилиши маълум бўлди (11-расм.)

Бизнинг кузатувларимиз шуни кўрсатдики, ўсмаолди касалликларига олиб келувчи ҳолатлар кейинчалик ўсма ривожланиши ва унинг малигнизациясига сабаб бўлиши мумкин. Ўсмаолди касалликлари нисбатан жарроҳлик амалиётида ижобий натижа олиш учун қулай босқич ҳисобланади. Афсуски, ҳозирги кунда ташҳислаш усулларининг ривожланганлигига қарамай, ҳар доим ҳам хужайра атипизми эрта талқин имкониятига эга эмас.




11-расм. Юз-жағ соҳаси карциномаси ва ўткир яллиғланишида ёшига боғлиқ динамикаси

Шиллиқ қаватнинг хусусий пластинкаси хужайраси плазматик хужайра томонидан синтез қилинувчи иммуноглобулинлар, хусусан IgA беввосита иммун жавобда иштирок этади. Оғиз бўшлиғи карцинома билан касалланган, кўп маротаба нур таъсирини олган беморлардан сўлак йиғиб олиш қийинчилик туғдиради. Баъзи беморларда сўлак йиғиб олишнинг, умуман, иложи бўлмайди.


Тадқиқотнинг назорат гуруҳида сўлак таркибида кам миқдорда атрофи лейкоцитар ўралган эпителиал хужайраларнинг мавжудлигини кўрсатди (12-

расм). КНТ шароитида деградацияланувчи ҳужайралар сони кўпаяди, лейкоцитлар йўқолади (13 расм).

КНТ ўтказилиши давомида ривожланувчи ксеростомия оғиз бўшлиғи орган ва тўқималарнинг химоя қилиш даражасини камайтиради. Ҳосил бўлаётган ва нормал ҳолатда сўлак орқали инактивацияланувчи кислоталар сўлакни оксидланишига, шиллиқ қаватнинг шикастланишига олиб келади ва маҳаллий иммунитетнинг пасайишига шароит яратади.



12-расм. Соғлом кишининг сўлак цитологияси: катта пушти кўпбурчакли эпителиал ҳужайралари фонида лейкоцитлар ҳужайралари катта концентрацияси кузатилди (Папаниколау, ×200)



13-расм. Пастки лаб саратони билан касалланган беморнинг сўлаги. 60 Гр НТ дан ҳолат. Катта кўпбурчакли эпителиал ҳужайралари қатламлари. Оққон ҳужайралари мавжуд эмас (Папаниколау, ×200)

Иш давомида фойдаланилаётган икки хил бўяш усулларини солиштирганда, Папаниколау бўяш афзалликлари эпителиал ҳужайраларни ажратиш жараёнидаги бузилишларини кўриш имконини беради. Маълумки, эпителиал ҳужайраларнинг ўсмаолди ўзгаришлари гликоген утилизацияси билан боғлиқ бўлиб, Папаниколау усулида бўялганда турли даражада бўялган тўқ сарик тусли дискератозлар (гиперкератоз, паракератоз) кўринишида пайдо бўлади. Шуниси маълумки, эпителиал ҳужайралар ўсмаолди ўзгаришлари гликоген утилизация билан боғлиқ бўлиб, Папаниколау усулида бўялганда турли даражада бўялган тўқ сарик тусли дискератозлар (паракератоз, гиперкератоз) кўринишида пайдо бўлади. Эпителиал ҳужайраларни бўяшдаги афзалликлари алоҳида ахамияти юз териси ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ўсмаолди ҳолатларини ташхислашда яққол кўринади. Ҳужайраларнинг дифференциациясининг бузилиши,

шубҳасиз, хужайрадаги ўсмаолди ўзгаришларига ва кейинчалик малигнизация ўтишига бевосита алоқадор.

Оғиз бўшлиқларидаги янги ҳосилаларини Люголнинг сувли эритмаси ёрдамида ўтказилган хромодиагностикаси текширувларимиз шуни кўрсатдики, малигнизация жараёни кератоцитлардаги гликоген даражасининг тушиши, шунингдек саратон хужайраларида уларнинг бутунлай йўқолиб кетиши билан боғлиқ экан.

Шундай қилиб, карцинома ҳолатларида соғлом одамларда кузатиладиган лейкоцитлар ва эпителиал хужайралар нисбати ўзгаради, комбинирланган КНТ эса аниқланган бузилишларни янада чуқурлаштиради. Сўлак ва унинг ўрганиш учун тақдим этилган параметрлар карциноманинг эрта ташхислашгина эмас, балки комбинирланган даволаш динамикасидаги оғиз бўшлиғининг ҳимоя реакциялари ҳолатини ҳам кўрсатиши мумкин.

Сўлакдаги гуморал иммунитет ҳолатини баҳолаш учун иммуноглобулин G, M, A синфлари кўрсаткичлари ўрганилди. Маълумки, иммуноглобулинларнинг даражаси, аввало, лимфоцитар звенога, қолаверса, иммунокомпетент хужайра омили фаоллигига бевосита боғлиқ бўлади. Текширилувчилар сўлагидаги иммуноглобулин ва рН таркиби индивидуал қийматларда сезиларли фарқ қилди (3 жадвал).

3-жадвал

Оғиз бўшлиғи карциномаси бор беморлар кимёвий нур терапияси фонида сўлакдаги иммуноглобулин G, M, A ва рН

Кўрсаткичлар	Ig G (мг %)	Ig M (мг %)	Ig A (мг %)	pH (ед.)
Соғлом	18,0±5,5	61,1±10,9	6,0±2,0	6,81±0,12
Касал	21,6±9,2	71,8±10,9	20,5±4,1	6,00±0,18
P	>0,05	>0,05	<0,01	<0,001

